

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

“Химояга тавсия этилади”
Кафедра мудири
и.ф.н., доц. И.С.Хотамов

«_____» _____ 2017 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

САНОАТ КОРХОНАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

(Андижон вилояти “Marhamat tekstil” масъулияти чекланган
жамият маълумотлари асосида)

ИЛМИЙ РАҲБАР:

«Саноат иқтисодиёти»
кафедраси доценти
Исаков М.Ю.

БАЖАРДИ:

Иқтисодиёт факультети,
Иқтисодиёт (саноат) таълим
йўналиши, 4-курс,
ЭКП-75 гуруҳи, талабаси
Исаков Ислombек Матлубжон ўғли

Битирув малакавий иши дастлабки химоядан ўтган. 2017 йил ____
майдаги _____-сонли баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ – 2017

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I Боб. Саноат корхонасининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари.....	8
1.1. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчаси, мазмуни ва иқтисодий моҳияти.....	8
1.2. Корхона иқтисодий салоҳиятининг ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг тавсифи ва аниқлаш йўллари.....	21
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	30
II Боб. «Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамияти тавсифи ва иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар таҳлили.....	31
2.1. Корхона тавсифи, иқтисодий салоҳиятининг ҳолати, таъминланиши кўрсаткичлари таҳлили.....	31
2.2. Корхонада асосий воситаларнинг ҳолати ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	37
2.3. Корхонанинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш таҳлили.....	47
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	57
III боб. Саноат корхонаси иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.....	58
3.1. Корхонада иқтисодий салоҳияти самарадорлигини оширишнинг ички резервларидан кенг фойдаланиш.....	58
3.2. Корхонада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш йўналишлари.....	62
3.3. Корхонанинг асосий воситалари ва айланма маблағлари самарадорлигини ошириш имкониятлари.	69
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	74
Хулоса ва таклифлар	75
Фойданилган адабиётлар рўйхати.....	78

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш жамиятда аҳолини турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадаллашуви ва чуқурлашувини натижасидир. Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ва ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро иқтисодий рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари янгиланади ва сифати ортиб боради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти уни ривожланишининг объектив қонуниятларини, иқтисодий салоҳият ва имкониятларини, миллий қадрият ва хусусиятларини, маънавий бойликларини тўла ҳисобга олувчи, мукамал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожлана олади. Президентимизнинг биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш деб таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас эди. Дарҳақиқат мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимига фаол кириб бориши иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш муаммосига алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида корхоналарни иқтисодий салоҳиятини ошириш, яъни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этишга ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаш таклифи берилди. Давлат раҳбари томонидан “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.”-деб таъкидлаб ўтилди¹.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, унда содир бўладиган молиявий-хўжалик фаолиятини (иқтисодий жараёни) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта моддий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом ашё кабилар зарур.

Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб,

¹ Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корхонанинг барча харажатларини қоплаб, фойда олишни таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади – аҳолининг фаровонлиги амалга ошади, аҳвол кундан-кунга яхшиланиб боради.

Битирув малакавий иши мавзусини ўрганилганлик даражаси. Йирик иқтисодчи олимлар томонидан ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида саноат корхонаси иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммолари устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу масалаларга бағишланган жуда катта миқдордаги илмий ишлар, монография, рисоалар, мақолалар эълон қилинган, кўплаб номзодлик ва докторлик битирув малакавийлари ёқланган. Бу олимлар жумласига Ким В.В., Хикматов О.Х., Убайдуллаева Р., Ўлмасов А.Ў., Ғуломов С.С., Зиядуллаев С.К., Искандеров И.И., Ортиқов А.О., Махмудов Э.Х., Исақов М., Юлдашева Ш.М.ларни киритиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг мақсади саноат корхоналарининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари унинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳал қилиш кўзда тутади:

- саноат корхонаси иқтисодий салоҳияти ҳолати, таминланганлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг тавсифини ёритиб бериш;
- корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишнинг услубий асосларини ўрганиш;
- «Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамияти иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш.
- корхонада иқтисодий салоҳияти самадорлигини оширишнинг ички резервларидан кенг фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Андижон вилояти Мархамат туманида жойлашган «Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамияти.

Битирув малакавий ишининг предмети «Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги иқтисодий муносабатлар, қонуниятлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида олдинга сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қилади. Шуниндек, таҳлилликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий ҳужжатларига, корxonанинг охириги уч йиллик ҳисобот материалларига асосланилади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий тақлифлар рақобат шароитларида корxonанинг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бўйича имкониятларни кидиришда ёрдам беради.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, 3та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Биринчи боб корxона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, “Саноат корxonасининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари” деб номланади ва унда: корxonанинг иқтисодий салоҳияти мазмуни; саноат корxonаси иқтисодий салоҳияти ҳолати, таъминланганлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг тавсифи; корxона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишнинг услубий асослари назарий жиҳатдан ўрганилган.

Иккинчи боби ««Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамияти тавсифи ва иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар таҳлили» деб номланган бўлиб, унда ушбу жамиятнинг иқтисодий салоҳиятининг ҳолати ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти тавсифи, корxона асосий воситаларнинг ҳолати ва таъминланганлик даражаси, корxonани айланма маблағлар билан таъминланиш ҳолати ишда келтирилган жадвал

маълумотлари асосида таҳлил қилинган ва қисқа хулосалар билан яқунланган.

«Саноат корхонаси иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари» номли учинчи бобида: корхонада иқтисодий салоҳияти самадорлигини оширишнинг ички резервларидан кенг фойдаланиш; корхонада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш йўналишлари; корхонанинг асосий воситалари ва айланма маблағлари самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида мавзуни ўрганиш ва таҳлил натижасида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан шаклланган асосли таклифлар берилган.

I Боб. Саноат корхонасининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари

1.1. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти тушунчаси, мазмуни ва иқтисодий моҳияти

Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияси мувофиқ мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш жамиятда аҳолини турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ривожланишнинг “Ўзбек модели”га ва замонавий давлатчиликни ташкил этиш йўли ва стратегик тамойилларига содиқлик ва 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларини комплекс амалга оширилиши ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоиз ўсишини таъминлади.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 5,7 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш орқали эришилди.

Саноат ҳажми 6,6 фоиз, пудрат қурилиш ишлари 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,4 фоиз, хизматлар 12,5 фоиз ўсди.

**2016 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий
ривожланишининг асосий кўрсаткичлари².**

(2015 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат (қурилиш билан)	106,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	106,6
Жами хизматлар	112,5
Чакана савдо айланмаси	114,4
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	109,6

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция килинди, ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан кўп бўлди.

2016 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоки қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», шу билан бирга «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Техника» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

² <http://www.uza.uz/oz/politics/zbn-respublikasi-vazirlar-ma-kamasining-mazhlisi-t-ris-15-01-2017>

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилди.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 80 дан ортиқ янги тури ўзлаштирилди. 2016 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6145,8 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 2,1 миллиард долларни ташкил қилди.

2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда минерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо

янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаш таклифи берилди. Давлат раҳбари томонидан “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.”-деб таъкидлаб ўтилди³.

Пойдевор сифатида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевтомонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди⁴. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

³Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.


⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

Бутун жаҳонда “ўзбек модели” номи билан тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш модели йўлида дадил қадамлар билан бораётганимиз кўлга киритилаётган иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятларнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Пировардида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида юртимиз кун сайин раванқ топиб, мамлакатимизнинг нафақат шаҳарларида, балки қишлоқларида ҳам саноат жадал ривожланиб бормоқда, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз.”-деб таъкидлаб ўтилди⁵.

Юқоридаги рейтингларнинг исботи тариқасида мамлакатимизда ўтган 2016 йил яқунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги, саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсганлиги, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилганлиги, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланганлиги, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмаганлиги ва 5,7 фоизни ташкил этганлигини санаб ўтишимиз мумкин (1-расм).

⁵Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.



1-расм. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2015 йилга нисбатан фоизда)⁶

Иқтисодийни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш – бу узоқ вақт давомида иқтисодийни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодий назарияси ва жаҳон амалиёти кўрсатишича мамлакатларни йиллик ЯИМни ўсиш суръати 7% дан кам бўлмаса ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10% дан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми

7 йилда 2 марта кўпаяди. Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида 2005 йилдан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ва модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқди ва муваффақиятли амалга оширмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияси мувофиқ мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш жамиятда аҳолини турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодий эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадаллашуви ва чуқурлашувини натижасидир. Эътиборли жиҳати шундаки, барқарор иқтисодий ўсиш анъанавий хом ашё тармоқлари, жаҳон бозоридаги айрим хом ашё ва материал турлари юқори баҳоси ва қулай конъюнктураси ҳисобига эмас, балки иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, тайёр рақобатбардош маҳсулотни ва ҳозирги замон хизматларини кўрсатишга қаратилган тармоқларни жадал суръатларда ривожланиши ҳисобига таъминланмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тармоқлари, инвестицион комплекс, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодий ўсиш сифатини ошириш муҳим рол ўйнади.

Иқтисодий фанда “иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги” ва “иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчалари фарқланади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги деганда “ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги” тушунчасининг ҳамма таркибий қисмларини шу жумладан товар ва

⁶<http://www.uza.uz/oz/politics/zbn-respublikasi-vazirlar-ma-kamasining-mazhlisi-t-ris-15-01-2017>

хизматларнинг сифатини яхшиланиши, уларнинг рақобатбардоршигини ортиши, янги тугалланган юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурсларни қайтимини ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайиши тушунилади.

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ижтимоий йўналтирилганини кучайишини ифодалайди.

Иқтисодий ўсиш сифатини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг моддий фаровонлигини яхшиланиши;
- шахснинг ҳар томонлама ривожланишини асоси ҳисобланган бўш вақтини кўпайиши;
- ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасини ўсиши;
- инсон капиталига сарфланадиган инвестицияни кўпайиши;
- кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ишсизларнинг ва меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни кўллаб-қувватлаш;

2013-2016 йилларда миллий иқтисодиёт ривожланишининг барча макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари капитал қайтимини истисно қилганда яхшиланди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги ва энергия қайтими кўрсаткичлари тез суръатлар билан ривожланиб ЯИМ ўсиш манбалари таркибида интенсив ўсиш омилларини улушини ортиб бораётганлигини ифодалайди.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтиш қуйидагиларни аниқлатади:

иқтисодий ривожланишга асосан илмий-техника тараққиётини омиллари ҳисобланган компьютерлар, ресурсни тежайдиган юқори технологияларни қўллаш орқали эришилади;

иқтисодий ривожланишга товар ва хизматларни сифатини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига таъминланади;

иқтисодий ривожланишга инсоннинг яшайдиган экологик муҳитни химоя қилиш борасидаги талабларини бажариш ҳисобига эришилади;

иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.


Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликни юқори суръатлари асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобига эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётни эркинлашувини чуқурлашуви ва миқёсини кенгайтиши, валюта бозорини барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида кириб келаётган янги иқтисодий категориялар, тушунчалардан бири – корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти (потенциали) тушунчасидир.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат корхонанинг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун албатта моддий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хом ашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хом ашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга албатта одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур. Агар жонли меҳнат иштирок этмаса, ҳар қандай илғор техника ҳам «ўлик», ҳаракатсиз ускуна бўлиб қолаверади.

Бундан кўришиб турибдики, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим экан. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса корxonанинг барча харажатларини қоплаб, фойда олишни таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади – аҳолининг фаровонлиги амалга ошади, аҳвол кундан-кунга яхшиланиб боради.

Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин⁷ (2-расм).



2-расм. Корxonа иқтисодий салоҳиятининг (потенциалининг) тузилиш таркиби

Бозор муносабатлари шароитида корxonада иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириш учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини

⁷ Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корxonа иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб атаб бўлмайди. Агар шундай қилинса, уларнинг таркибига номоддий активлар кирмай қолади.

Шу туфайли, уларни корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) деб аташни мақсадга мувофиқ. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, унда содир бўладиган молиявий-хўжалик фаолиятини (иқтисодий жараённи) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади.


Корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз ўзларининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар. Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш⁸. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (3-расм).

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади.




3-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари⁹

Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади». Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин. Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди (4-расм).

Умуман олганда, модернизациялаш жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олиб, айниқса, мазкур йўналишлар

⁹ Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

орасида иқтисодиётни модернизациялаш муҳим ўрин тутди. Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан “чидамлилиги”, мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиётдаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир.



4-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари¹⁰

Бироқ, шу билан бирга иқтисодиётни модернизациялаш ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

¹⁰ Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

1.2. Саноат корхонаси иқтисодий салоҳияти ҳолати, таминланганлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар tizими, уларнинг тавсифи

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун албатта кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш лозим.


Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (5-расм).

5-расмдан кўриниб турибдики, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар талайгина. Уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлмоғи ва таҳлил қилинаётган категориянинг у ёки бу жиҳатини ифодаламоғи лозим. Бунинг учун эса албатта аниқ ахборотнинг маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур хулосалардан келиб чиқиб корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг нимани ифодалашини, аниқланиш йўллари гуруҳлар бўйича кўриб чиқилади (2-4 жадваллар).



*Бунда: Ав – асосий воситалар;
 Айм – айланма маблағлар;
 На – номоддий активлар;
 Мс – меҳнат салоҳияти.*

5-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятини (Кис) ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

Корхона иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳиятни ташкил этувчи элементлари ҳақида маълумот беради(2-жадвал)

2-жадвал.

Иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар¹¹

Кўрсаткичлар-нинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1.1. Иқтисодий салоҳият Умумий ва ўртача қиймати	Таҳлил даврида Иқтисодий салоҳиятсуммасининг ўртача неча сўм эканлигини ифодалайди	(Иқтисодий салоҳият _б +Иқтисодий салоҳият _г)/2
1.2. Иқтисодий салоҳиятнинг таркибий тузилиши	Иқтисодий салоҳиятҳар бир моддасининг (Ис _і) умумий суммадаги улушини ифодалайди	Ис _і *100/Иқтисодий салоҳият
1.2.1. Ав.нинг Иқтисодий салоҳиятумумий суммадаги улуши	Ав.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий суммада неча фоизни ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{Ав}{Ис} \times 100$
1.2.2. Айм.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий суммадаги улуши	Айм.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий ҳажмида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{Айм}{Ис} \times 100$
1.2.3. На.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий суммадаги улуши	На.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий суммада неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{На}{Ис} \times 100$
1.2.4. Мс.нинг Иқтисодий салоҳият Умумий суммадаги улуши	Меҳнат салоҳиятининг Иқтисодий салоҳият Умумий суммада неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{Мс}{Ис} \times 100$
1.3. Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар	Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи ҳар бир моддаси (Ав. Айм. На. Мс.) бўйича уларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тегишли моддалар таҳлил қилинганда алоҳида тасвирланади	тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади

¹¹ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Корхонанинг қай даражада иқтисодий салоҳият билан таъминланганлигини аниқлаш учун ҳам кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади (3-жадвал)

3-жадвал.

Иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар¹²

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаш (мазмун)	Аниқланиш формуласи
2.1. Корхона активларининг Иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги	1 сўм корхона активлари суммасига қанча Иқтисодий салоҳият суммаси тўғри келганлигини кўрсатади	$\frac{Ис}{Б}$
2.2. Мс.нинг Иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги	1 сўм меҳнат салоҳияти қийматига қанча Иқтисодий салоҳият суммаси тўғри келганлигини ифодалайди	$\frac{Ис}{Мс}$
2.3. Иқтисодий салоҳият Таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар	Иқтисодий салоҳиятнинг таркибига кирувчи ҳар бир моддаси билан таъминланганликни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими Ав. Айм. На. Мс. кўрсаткич-лар ўрганилганда алоҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар Иқтисодий салоҳиятнинг тегишли моддаларини таҳлил қилганда аниқланади

¹² Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Корхонанинг молиявий натижаларида иқтисодий салоҳиятнинг тутган ўрнини баҳолаш учун алоҳида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади (4-жадвал).

4-жадвал.

**Корхона иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалашини (мазмунини)	Аниқланиш формуласи
3.1. Иқтисодий салоҳият Рентабеллиги	100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди	$\frac{\Phi}{Ис} \times 100$
3.2. Иқтисодий салоҳият Даромадлиги	100 сўм Иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди	$\frac{Д}{Ис} \times 100$
3.3. Иқтисодий салоҳият Натижавийлиги	1 сўм Иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм натижавий кўрсаткич (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти ва ҳ.к.) тўғри келишини кўрсатади	$\frac{Q}{Ис}$
3.4. Иқтисодий салоҳият Таркибига кирувчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Иқтисодий салоҳият таркибига кирувчи моддалар (Ав. Айм. На. Мс.) самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар тизими шаклида фойдаланилади	Ушбу кўрсаткичлар Иқтисодий салоҳиятнинг тегишли моддаларини таҳлил қилганда аниқланади

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Келтирилган кўрсаткичлар учун ахборотлар асосан корхонанинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан олинади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини асослаш ва уларни таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш нафақат назарий,

балки муҳим амалий аҳамиятга эга. чунки хўжалик юритувчи субъектларга даромад (фойда) келтиришда, унинг фаолиятини таъминлашда корхонанинг активлари билан бирга унда банд бўлган меҳнат салоҳиятлари ҳам иштирок этади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун асосий ва айланма маблағлар билан иш кучининг ҳам иштироки лозим. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткичлар билан биргаликда номоддий активлар ҳам корхонага маълум даражада даромад (фойда) келтиришда иштирок этади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ушбу ҳолатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётда ҳар қандай категория маълум ўлчамга эга бўлиши лозим. Худди шундай корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) (Кис) баҳолашда, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб уни қиймати ва харажати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар (Айм) ва номоддий активларнинг (На) умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хк) олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишда хўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнда иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Бухгалтерия балансида, айниқса, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш лозим. Аммо бу кўрсаткич бухгалтерия балансида кўрсатилмайди. Шу туфайли унинг пулдаги ифодасини топишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини бемалол аниқлаш учун конуний асос яратилган. Чунки, республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача, уларни тайёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходимлар иш кучининг биринчи бошланғишлаб чиқариш «шартли баҳоси» бўлиб ҳисобланади. Сўнгра, унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун харажат қилинса, булар ҳам унинг ушбу бошланғич баҳосига қўшилади. Бундай йўл тутиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш корхона ёки ота-оналар ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда. Демак, корхона ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса, унинг шу корхона учун «шартли қиймати» аниқ. Масалан, ходим корхона ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 200,0 минг сўм, иккинчи йилда 250,0 минг сўм, учинчи йилда 280,0 минг сўм ва ниҳоят тўртинчи йилда 300,0 минг сўм пул тўлаган деб фараз қилсак, унинг «шартли баҳоси» 1030,0 минг сўмни ташкил қилади. Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий ҳисобдан амалга оширилса, у ҳолда корхона мазкур ходимни ишга қабул қилиш билан, ушбу харажатга тенглаштирилган миқдорда унинг шартли қийматини белгилаши мумкин. Бундан ташқари, ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг «нархини» ҳам марказлашган тарзда аниқлаб, эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходимлар иш кучининг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қуйидаги амални бажариш лозим. Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқилади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб, шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади. Иккинчидан ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни қўшиб ходимларнинг «шартли баҳосини» ифойдалайдиган жами суммасини топиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги математик моделни қўллашни тавсия қилинади:

$$X_k = \sum_{i=1}^n a_i + v_i,$$

бунда:

X_k - ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами суммаси (уш кучининг умумий қиймати);

i – ходимлар категориясининг тартиб сони ($i \in \{1, n\}$);

n – ходимлар категориясининг умумий сони;

a_i – i категория ходимларни тайёрлашга кетган харажатлар;

v_i – i категория ходимларнинг малакасини оширишга кетган харажатлар.

Энди корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг умумий қийматини ($K_{ис}$) аниқлаш мумкин. Бу ўринда қуйидаги формула тавсия этилади:

$$K_{ис} = A_v + A_{йм} + N_{ф} + X_k$$

бунда:

A_v – асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$A_{йм}$ – айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

$N_{ф}$ – номоддий активларнинг ўртача қиймати;


X_k – ходимларнинг ўртача «шартли қиймати».

Агар ушбу формуладаги натижани « Y » деб, омилларни $X_i \rightarrow n$ деб белгиласак, юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = \sum_{i=1}^n X_i \times X_1 \times X_2 \times X_3 \times \dots \times X_n$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усуллари кўллаб, амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади. Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида корхона иқтисодий салоҳиятига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича

хам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада келтирилган (6-расм).



6-расм. Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг таркиби

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Шундай қилиб, ушбу чизмадаги кўрсаткичлар йиғиндиси корхона иқтисодий салоҳияти суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун шу таҳлил қилинаётган даврда тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий таҳлилда битта иқтисодий категорияни бир қанча ўлчамларда (қийматда, натурал миқдорда, ҳажмда ва ҳ.к.) ифодалаш мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ҳам харажатлар нуқтаи назаридан жорий ва келтирилган харажатлари бўйича баҳолаш мумкин.

1-боб бўйича хулосалар

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти уни ривожланишининг объектив қонуниятларини, иқтисодий салоҳият ва имкониятларини, миллий қадрият ва хусусиятларини, маънавий бойликларини тўла ҳисобга олувчи, мукамал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожлана олади.

«Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади».

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти деганда, унда содир бўладиган молиявий-хўжалик фаолиятини (иқтисодий жараённи) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади.

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун асосий ва айланма маблағлар билан иш кучининг ҳам иштироки лозим. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткичлар билан биргаликда номоддий активлар ҳам корхонага маълум даражада даромад (фойда) келтиришда иштирок этади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ушбу ҳолатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

**II Боб. «Marhamat tekstil» масъулияти чекланган жамияти
тавсифи ва иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар
таҳлили**

**2.1. Корхона тавсифи, иқтисодий салоҳиятининг холати,
таъминланиши кўрсаткичлари таҳлили**

«Мархаматтекс» МЧЖ Ўзбекистон Британия қўшма корхонаси 2009 йил 7 сентябрда ташкил этилган бўлиб, 132-сонли гувоҳнома билан андижон вилояти Адлия бошқармасида руйхатга олинган. Манзили Андижон вилояти Мархамат ш., Мустақиллик кўчаси-72. Асосий фаолият ип калава, хом сурп, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари зичлиги, нақш ва бўёқларининг устуворлиги, ўлчамларининг стандартлиги, ишлаётган хом ашёнинг пишиқлиги, технологик жараёни талаблар доирасида бўлишлиги билан ажралиб туради.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

5-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчо В бирли ги	2014 г.	2015 г.	2016 г.	Ўзгари ш суръат и, 2016 й. 2014 й.га нисбат ан %
1. Маҳсулот, иш,хизматлар реализация ҳажми	Минг сўм	7590231	8179839	8668812	114
2. Реализация қилинган маҳсулот таннари	Минг сўм	6566719	6608182	7354868	112
3. Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси	Минг сўм	1023512	1571657	1313944	128
4. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	4214123	4894258	5159258	122
5. Ходимлар сони	Киши	167	185	198	119
6. Иш ҳақи фонди	Минг сўм	1032060	1416360	1698840	165
7. Ўртача ойлик иш ҳақи	Минг сўм	515	638	715	139
8. Фонд қайтими	Сум	1,8	1,7	1,7	93
9. Солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар (+,-)	Минг сўм	335460	434523	669790	200
10. Соф фойда ёки зарар (+,-)	Минг сўм	170560	25531	236350	139
11. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	2,60	0,39	3,21	124

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки корхонанинг охириги уч йиллик фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар

билан ўсиб борган. Таҳлил даврининг охирига келиб эса базис йилга нисбатан сотув ҳажми ушбу давр охирида 114%га ўсган бўлиб маркетинг фаолияти бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилган деб хулоса қилиш мумкин. Таҳлил даврида сотишдан олинган ялпи фойда 2014 йилда 1023512 минг сўмни ташкил этган бўлса 2016 йилга келиб 1313944 минг сўмгача ортган ёки 128%га ўсишга эришилган. Буни ижобий баҳолаш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятни ташкил этувчиларидан бўлган ходимлар сони таҳлил даврида 167 кишидан 198 кишигача кўпайган бўлиб ўзгариш 112%ни ташкил этган, иш ҳақи фонди ушбу йилларда ошиб борган ва 2014 йилда 1032060 мингсўмни ташкил этган бўлса 2016 йилга келиб 1698840 минг сўмгача ортган бўлиб ўзгариш динамикаси 165% ни ташкил этган. Бу ўз-ўзидан ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг ортишига олиб келади ва унинг миқдори 2014 йилда 515 минг сўмдан 2016 йили 715 минг сўмгача ортган ёки 139% ҳисобида ўсишга эришилган.

Таҳлил даврида асосий воситаларнинг қиймати эса 122 %га ўсишга эришилган.

Таҳлил даврида корxonанинг соф фойдаси ўзгариши кескин ўсишда бўлган. 2014 йили молиявий фаолият бўйича натижа 170560 минг сўм билан яқунлаган. 2015 йили 25531 минг сўм соф фойда олиб кейинги йилда уни 236350 минг сўмга оширилган, бу ерда ўсиш 139 %ни ташкил этган.

Корхонада иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Ҳар бир корхонада иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини, у билан таъминланганликни ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир корxonанинг бойлиги жамият бойлигининг бир қисми сифатида унга ҳеч кимнинг бефарқ бўлишига ҳаққи йўқ. Шу туфайли, мулк шаклидан қатъи назар, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили иқтисодий таҳлилнинг асосий қисмини ташкил қилмоғи лозим.

Корхонада иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг усулларини кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвални тузиш керак (6-жадвал).

6-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2014й	2015й	2016й	Фарқи, 2016 й. 2014 й.га нисбатан (+,-)	Ўзгариш суръати, 2016 й. 2014 й.га нисбатан %
	2	3	4	5	6
1. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати, минг сўм	4214123	4894258	5159258	945135	122
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	7658123	8597898	9249325	1591202	121
3. Номоддий активларнинг ўртача қиймати, минг сўм	0	0	0	0	0
4. Меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати, минг сўм	1032060	1416360	1698840	666780	165
5. Иқтисодий салоҳият (Ис) ўртача қиймати, минг сўм (1қ+2қ+3қ+4қ)	12904306	14908516	16107423	3203117	125
6. Асосий воситаларнинг Иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (1қ:5қх100)	32,7	32,8	32,0	-0,7	98

<i>6-жадвал давоми</i>					
	2	3	4	5	6
7. Айланма маблағларнинг Иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (2қ:5қх100)	59,3	57,7	57,4	-1,9	97
8. Номоддий активларнинг Иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (3қ:5қх100)	0	0	0	0	0
9. Мехнат салоҳиятининг Иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (4қ:5қх100)	8,0	9,5	10,5	2,5	132

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу 6-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинаётган даврда 125% га ортган бу асосан асосий воситалар, айланма маблағлар ва мехнат салоҳияти қийматининг ошгани ҳисобига содир бўлган. Номоддий активларнинг мавжуд эмаслиги корхонада фан техника тараққиётига эътибор зарурлигини кўрсатади. Иқтисодий салоҳиятдаги асосий воситалар улуши 0.7% бандга камайиб, мехнат салоҳиятининг улуши эса 2.5% бандга ортган, айланма маблағлар улуши эса -1.9 бандга камайган. Мазкур корхона келажакда иқтисодий салоҳият таркибида жонли мехнатнинг ҳиссасини камайтириб, айланма маблағлар улушини ошириб боришини таъминлаши лозим.

Корхона иқтисодий салоҳияти тўғрисида айрим хулосаларни чиқариш учун иқтисодий салоҳият билан таъминланганлик даражасини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузамиз (7-жадвал).

**«Marhamat tekstil» МЧЖ иқтисодий салоҳият билан
таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	2014 й	2015 й	2016й	Фарқи, 2016 й. 2014 й.га нисбатан (+,-)	Ўзгариш суръати, 2016 й. 2014 й.га нисбатан %
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати, минг сўм	11897123	12395498	12764744	867621	107,29
2. Меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати, минг сўм	1032060	1416360	1698840	666780	164,61
3. Иқтисодий салоҳият ўртача қиймати, минг сўм	12904306	14908516	16107423	3203117	124,82
4.Активларнинг Иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги, сўм (3қ:1қ)	1,08	1,20	1,26	0,17721	116,34
5. Меҳнат салоҳиятининг Иқтисодий салоҳият билан таъминланганлиги, сўм (3қ:2қ)	12,50	10,53	9,48	-3,022	75,83
6. Барча активларнинг Иқтисодий салоҳиятдаги улуши, % (1қ:3қx100)	92,19	83,14	79,25	-12,947	85,96
7. Меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланганлиги, сўм (1қ:2қ)	11,53	8,75	7,51	-4,0137	65,18

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона активлари дастлабки йилга нисбатан 107 % га ортган ҳолда, меҳнат салоҳияти 164 % га, иқтисодий салоҳият эса 124 % га ошган. Хулоса қилиш мумкинки иқтисодий салоҳият билан таъминланишида меҳнат салоҳиятининг улуши энг катта бўлиб, бу аксинча нисбатан паст бўлиши ва активлар улуши юқори бўлиши лозим. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятида активларнинг улуши юқори бўлиши лозим, лекин у 92.19% ва 79.25% ни ташкил қилмоқда ва камайиш тенденциясига эга бўлмоқда – 12.9%.

Корхонада меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланиши хаамиша бирдан катта бўлиши лозим ва 2014 йили 12.5 сўм 2015 йили 1.53 сўм, 2016 йили 9.48 миқдорда таъминланмоқда, бу эса ижобий ҳолат.

2.2. Корхонада асосий воситаларнинг ҳолати ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади¹³.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлинади: асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Уларни аниқлаш йўллари куйида жадвалда келтирилган (8-жадвал).

¹³ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси	Ав.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	A_B/B
2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши	Ав. фаол қисмининг умумий Ав. Суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$A_{Bф}/A_B$
3. Ав.нинг эскириш коэффиценти	Умумий Ав. қийматининг қанча қисми эскириш суммасига тенглигини кўрсатади	$A_{B.эс}/A_{B.йб}$
4. Ав.нинг янгиланиш коэффиценти	Шу ҳисобот даврид янгидан ишга туширилган Ав. қисмининг умумий йил охиридаги Ав. даги ҳиссасини ифодалайди	$A_{B.янг}/A_{B.йо.}$
5. Ав.нинг яроқлилик коэффиценти	Умумий Ав. қийматининг қанча қисми қолдиқ қийматда эканлигини ифодалайди	$(A_B - A_{B.эс.})/A_B$
6. Ав.нинг чиқарилиш коэффиценти	Ав.нинг қанча қисми ҳисобдан чиқарилганлигини ифодалайди	$A_{B.чиқ.}/A_B$

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Асосий воситалар ҳолатини таҳлил қилишда уларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш лозим. Уни таҳлил қилиш учун бизнес-режа ҳисоб

ва ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Унда бизнес-режадаги маълумотлари ҳақиқий маълумотлар билан таққосланиб, ўзгаришларнинг яхшиланганлиги ёки ёмонлашиш сабаблари аниқланади.

Асосий воситалар иқтисодий тузилишини ва ҳолатини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

9-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖда асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ҳисоблаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Базис йил 2014 й.	2015 й.	2016 й.
1	2	3	4	5
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	11897123	12395498	12764744
2. Ходимлар сони	Киши	167	185	198
3. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	минг сўм	4214123	4894258	5159258
4. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	860003	1096658	1643839
5. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сўм	3354120	3797600	3515419
6. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	3320145	3815240	4156520
7. Янгидан ишга туширилган асосий воситалар	Минг сум	365121	371560	412530

9-жадвал давоми				
1	2	3	4	5
8. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар	Минг сум	126852	156420	184650
9. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	5230123	5554109	5899278
10. Пул маблағлари	Минг сум	15230	7183	67537
11. Товар-моддий захиралари	Минг сум	2986520	3590106	5778215
12. Дебиторлар	Минг сум	5123445	4969673	3403078
13. Муддати ўтган дебиторлар	Минг сум	0	0	0

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси

2014 йил $4214123/11897123=0,35$

2015 йил $4894258/12395498= 0,39$

2016 йил $5159258/12764744= 0,40$

2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши

2014 йил $3320145/4214123= 0,78$

2015 йил $3815240/4894258= 0,77$

2016 йил $4156520/5159258= 0,80$

3. Эскириш коэффиценти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Авэ}{Авбк} = \frac{\Phi_1 011 - сатр}{\Phi_1 010 - сатр}$$

Бунда:

Авэ – асосий воситалар эскириш суммаси;

Авбқ – асосий воситаларнинг бошланғичқиймати;

Ф1 – 1-шаклдаги “Бухгалтерия баланси»;

010 ва 011-сатрлар – баланс сатрлари.

$$2014 \text{ йил } 860003/4214123 = 0,20$$

$$2015 \text{ йил } 1096658/4894258 = 0,22$$

$$2016 \text{ йил } 1643839/5159258 = 0,31$$

4. Асосий воситалар **яроқлилиқ коэффициенти (Кяр)** қолдиқ қийматининг (эскириш чегирилган ҳолдаги) бошланғич қийматга нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кяр = \frac{Авк.к}{Авбк} = \frac{\Phi_1 012 - сатр}{\Phi_1 010 - сатр}$$

бунда:

Авқ.қ – асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

$$2014 \text{ йил } 3354120/4214123 = 0,79$$

$$2015 \text{ йил } 3797600/4894258 = 0,77$$

$$2016 \text{ йил } 3515419 /5159258 = 0,68$$

5. **Янгиланиш коэффициенти (Кянг)** йил мобайнида янги келган асосий воситаларнинг йил охиридаги улар қолдиғига нисбатисифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кянг = Ав.янг/Ав.йо.$$

бунда: Авя.к – янги келган асосий воситалар суммаси;

Авдо.б.қ – асосий воситаларнинг давр охиридаги бошланғич қиймати;

Фз. – 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот»

$$2014 \text{ йил } 365121/1980650 = 0,18$$

$$2015 \text{ йил } 371560/2455123 = 0,15$$

$$2016 \text{ йил } 412530/2711312 = 0,15$$

6. **Ҳисобдан чиқариш коэффициенти (Кх.ч)** йил мобайнида ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг йил бошидаги қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{x.ч} = \text{Ав.чиқ.}/\text{Ав}$$

бунда: Авдб.б.к – асосий воситаларнинг давр бошидаги бошлангич қиймати;

Авх.ч – ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар.

2014 йил $126852/4214123 = 0,030$

2015 йил $156420/4894258 = 0,032$

2016 йил $184650/5159258 = 0,035$

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг 2014-2016 йиллар бўйича ўзгариш динамикасини таҳлили қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (10-жадвал)

10-жадвал.

**«Marhamat tekstil» МЧЖ да асосий воситалар (Ав.) ҳолатини
ифодаловчи кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)фоиз пункти
1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси,%	0,35	0,39	0,40	0,05
2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши,%	0,78	0,77	0,80	0,02
3. Ав.нинг эскириш коэффиценти	0,20	0,22	0,31	0,11
4. Ав.нинг яроқлилик коэффиценти	0,79	0,77	0,68	-0,11
5. Ав.нинг янгиланиш коэффиценти	0,18	0,15	0,15	-0,03
6. Ав.нинг ҳисобдан чиқарилиш коэффиценти	0,030	0,032	0,035	0,005

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

10-жадвал маълумотларидан кўринадикки таҳлил қилинаётган даврда асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссаси ортиб борган ва 2016 йилга келиб 40%ни ташкил этган ва ўсиш 5 фоиз пунктига тенг бўлган. Бу ҳолат асосий воситалар амортизацияси бўйича ишларни мураккаблаштириб юбориши мумкин. Асосий воситаларнинг фаол қисмининг таркибий тузилиши дастлабки икки йилда 78 ва 77%да бўлиб 2016 йили 80 фоизга чиққан, бу бевосита хомашёга ишлов берувчи асосий ускуналар улушининг ортишидан ва аксинча пассив қисмининг камайишидан дарак беради. Бунда маҳсулотнинг таннархида ноишлаб чиқариш харажатлари камайишига ёрдам бериши мумкин.

Таҳлил даврида асосий воситаларнинг эскириши 2014 ортиб борган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 31%ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлардан келиб чиқиб яроқлилик коэффициенти ҳам мос равишда ўзгарган ва 2016 йилга келиб 0.68ни ташкил этган, узгариш эса 2014 йилга нисбатан -0.11 бўлган. Бундан келиб чиқадикки, корхона асосий воситаларини янгилаш чораларини яхшироқ амалга ошириш лозим.

Ав.нинг янгиланиш коэффициенти таҳлил даврида камайган. Охириги йилда киритилган янги ускуналар 15% қисмини ташкил этгани ижобий ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши коэффициентида ҳам ижобий ўзгиш мавжуд, лекин унинг улуши жуда паст даражада. Бундан ҳулоса шуки, асосий воситалар унумдорлиги пасайиб бориши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик корxonанинг техник жиҳатдан таъминланганлигини, меҳнат ва ишларнинг механизациялашганлиги ва автоматлашганлигини коэффициент орқали ифодалайди. Бу кўрсаткичлар орқали ҳар бир корxonанинг моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Ав. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар¹⁴

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси (асосий воситалар билан таъминланганлик коэффициентлари)	Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийматини ифодалайди	Ав.ф./Ис
3.Натижанинг фондлилиги даражаси(Фонд сифими)	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади	Ав/Q
4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги	1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини ифодалайди	Ав/Ўм

1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси (асосий воситалар билан таъминланганлик коэффициентлари) асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматининг (бошланғич баҳоланиши бўйича) энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбатидир. У ишчиларнинг меҳнат қуроллари (асосий воситалар) билан таъминланганлик даражасини акс эттиради ва қуйидаги формулар орқали аниқланади:

¹⁴ Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Кф.тқ Ави/Ис,

бунда:

Кф.т – ходимларнинг асосий воситалар билан таъминланганлигининг коэффициенти;

Ави – асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати;

Ис – энг катта сменадаги ишчилар сони.

Таҳлил қилиш учун 3-шакл молиявий ҳисобот ва 1-Т шакл статистик ҳисоботдан маълумотлар олинади.

2014 йил $3320145/167= 19881$ минг сўм/киши

2015 йил $3815240/185= 20622$ минг сўм/киши

2016 йил $4156520/198= 20992$ минг сўм/киши

2. Натижанинг фондлик даражаси(Фонд сиғими)

2014 йил $4214123/7590231= 0,55$

2015 йил $4894258/8179839= 0,59$

2016 йил $5159258/8668812= 0,59$

3. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги

2014 йил $4214123/ 5230123 = 0,80$

2015 йил $4894258/ 5554109 = 0,88$

2016 йил $5159258/ 5899278= 0,87$

Асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг 2014-2016 йиллар бўйича ўзгариш динамикасини таҳлили қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (12-жадвал)

12-жадвал маълумотларидан кўринадик, корхонанинг фондлар билан қуролланганлик даражаси ҳар бир ишловчи ҳисобига 2014 йилда 19881 минг сўмни, 2015 йилда ундан ортиб 20622 минг сўмни ташкил этган ва 2016 йилда 20992 минг сўмгача ортган. Умумий ўзгариш 111%ни ташкил этган. Бу шундан далолат берадики, корхонада меҳнат салоҳиятининг ўсиш суръати асосий воситалар қийматининг ўсиш суръатидан 2011-2016 йилларда юқори бўлмаган.

**«Marhamat tekstil» МЧЖда асосий воситалар билан
таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан %
Фондлар билан куролланганлик даражаси, минг сўм/киши	19881	20622	20992	111
Натижанинг воситалилик даражаси(Фонд сифими), сўм	0,55	0,59	0,59	0,04
Ўз маблағларининг (Ўм.) Ав. билан таъминланганлиги	0,80	0,88	0,87	0,07

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Натижанинг воситалилик даражаси (Фонд сифими), яъни бир сўмлик маҳсулотга сарфланган асосий воситалар қиймати 2015 йили олдингисидан 0.04 сўмга кўп бўлган, 2016 йилда эса ўзгармаган ва 0.59 сўмни ташкил этган. Демак бошланган ижобий ўзгаришлар охирга йилга келиб сустлашган, чунки асосий воситаларга қилинадиган харажат ошиб боради.

Корхона ўз маблағларининг (Ўм.) Ав. билан таъминланганлиги шуни кўрсатадики, бир сўм ўз маблағларининг капиталлашганлиги даражаси умуман олганда юқори даражада, лекин унинг йиллар давомида ўзгариши нотекисдир. 2015 йили 0.88 га ортиб кейинги йили 0.87 гача тушган, охири уч йилдаги ўзгариш фарқи 7% бўлиб ортиб борган.

2.3. Корхонанинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш таҳлили

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир¹⁵.


Улар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки, бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилинади, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказди, ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат тарзида тикланади.

Айланма маблағлар ҳақидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ҳамда «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» деган 2-а шаклда кўрсатилади. Бухгалтерия балансида улар «Айланма активлар» деган активнинг 2-бўлимидан қайд этилади. Ушбу бўлимнинг якуни корхонанинг муайян санада айланма маблағларда турган маблағлари суммасини кўрсатади.

Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида етакчи ўринларни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил қилади. Унинг миқдори, таъкидланганидек, турли соҳаларда турлича.

Айланма маблағлар ҳам иқтисодий мазмуни бўйича айрим жиҳатлари асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам моддий ресурслар гуруҳига киради. Шу жиҳатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин: айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Мазкур кўрсаткичларнинг таснифи чизмада келтирилган (7-расм).

¹⁵ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарк”, 2010. – 480 б.



7-расм. Корхона айланма маблағларини (Айм) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таснифи

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2013, – 256 б.

Таҳлил жараёнида у ёки бу кўрсаткичнинг нимани ифодалаши, уларни баҳолаш йўлари ва маълумот манбаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, ҳар бир кўрсаткичнинг номини, нимани ифодалаши, аниқлаш йўларини келтирилган гуруҳлар бўйича кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ (13-жадвал).

13-жадвал.

Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Айм. нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	Айм.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$A_{\text{Айм}}/Б$
2. Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз пул маблағлари мавжудлигини ифодалайди	$P_m / A_{\text{Айм}}$
3. Айм. таркибида Товар-моддий захиралари (Зх) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз ишлаб чиқариш захиралари борлигини кўрсатади	$Z_x / \text{Айм}$
4. Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	Айм. таркибида дебиторларнинг неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\text{Деб} / \text{Айм}$
5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$D_{\text{муд}} / D$
6. Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	Барча Айм.нинг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини кўрсатади	$(\text{Ў}_m + \text{У}_{\text{мп}} - \text{Ас}) / \text{Айм}$

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

Ушбу жадвал маълумотлари корxonанинг айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш йўллари, нимани ифодалаши ва ҳар бирининг ахборот манбаини кўрсатиб турибди. Бу эса

мазкур кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш учун назарий ва услубий асос бўлади.

Корхонанинг айланма маблағларини ўрганиб ва таҳлил қилиб, уларнинг кўрсаткичларини, юқорида таъкидланганидек, учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу гуруҳлар:

- айланма маблағларнинг аҳволини;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини.

Айланма маблағларнинг ҳолатини билдирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар кирази: айланма маблағлар суммаси, унинг ўртача қиймати, умумий маблағлардаги ҳиссаси, айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, айланма маблағларда ўз маблағлари суммаси; айланма маблағлар динамикаси ва ҳ.к.

Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади. Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш керак (14-жадвал).

14-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар динамикаси ва улар таркибининг ўзгариш ҳисоб-китоби

Йиллар	Айланма маблағлар, минг сўм	Барча активлар, минг сўм	Айланма маблағларнинг барча активлар-даги улуши, %
2014	7658123	11897123	64,4
2015	8597898	12395498	69,4
2016	9249325	12764744	72,5

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Айланма маблағларнинг барча активлардаги улуши охириги йилда ортиб 72.5% ни ташкил этган. Ҳозирги пайтда корхонанинг айланма маблағлари жадалроқ ўсиши лозим. Чунки, айланма маблағлар етарли бўлмаса такомиллашган асосий воситалар ва малакали кадрлардан кутилган даражада самарадорликка эришиб бўлмайди.

15-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Пул маблағлари	15230	7183	67537
2. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
Айм. таркибида пул маблағлари (Пм),%	0,20	0,08	0,73

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси таҳлил даврида жуда паст даражада ва нотекис ўзгарувчандир. 2015 йил якунида корхона ҳисоб рақами ва кассасида 0.2% маблағ бўлган, бу оператив ишлар учун қийинчилик туғдиради.

16-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захиралари (Зх) ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Товар-моддий захиралари	2986520	3590106	5778215
2. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
Айм. таркибида захиралар (Зх) ҳиссаси,%	39,0	41,8	62,5

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Айм. таркибида ишлаб чиқариш захиралари ҳиссаси 2015 йили олдинги йилга нисбатан 2.8% пунктга ортган ва охириги йили 62.5%гача

ортган. Бу 2015 йилда товар-моддий захираларининг жамғарилиши, келтирилиши кабилардаги камчиклардан далолат беради

17-жадвал.

**«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар таркибида
дебиторлар (Деб) ҳиссаси**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1 Дебиторлар	5123445	4969673	3403078
2.Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси,%	66,9	57,8	36,8

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Корхонада Айм. таркибида дебиторлар ҳиссаси охириги уч йилда катта хажмда булган. Унинг улуши 2015йили 57.8%гача тушиб, охириги йили 36.8%гача тушган. Бу ҳолат корхонани истеъмолчиларга боғланиб қолганлигини кўрсатиб турибди, дебиторларни янада камайтириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

18-жадвал.

**«Marhamat tekstil» МЧЖда Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг
(Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Муддати ўтган дебиторлар	0	0	0
2. Дебиторлар	5123445	4969673	3403078
Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси,%	0	0	0

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Корхонада муддати ўтиб кетган дебиторлар мавжуд эмас

**«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар таркибида ўз
маблағлари ҳиссаси**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
Ўз маблағлари манбалари	5230123	5554109	5899278
Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси,%	68,3	64,6	63,8

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Корхона охириги икки йилда айланма маблағларни ўз маблағлари орқали шакллантириб келиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Таъминланиш даражаси 63.8%ни ташкил қилиб, камайиш тенденциясига эга.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда айланма маблағларнинг суммаси ва айланиш тезлигини белгиланган меъёрлар билан таққослаш; ўз ва қарз маблағларининг муомаладаги иштирокини аниқлаш; айланма маблағларнинг умумий ҳажми ва турлари бўйича шакллари ва манбаларини ўрганиб чиқиш лозим бўлади(20-жадвал).

**Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи
кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1	2	3
1. Айм. сифими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм.	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Айм. тўғри келишини (натижанинг фондлилигини) ифодалайди	Айм/Q

20-жадвал давоми		
1	2	3
2. Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши	Айм. ҳақиқий суммасининг меъёрга нисбатини, яъни 1 сўм Айм.м.га тўғри келадиган ҳақиқий Айм. суммасини кўрсатади	Айм.х/ Айм.м
3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм.	1 сўм Ав.га тўғри келадиган Айм. Суммасини, яъни Ав.нинг Айм. билан таъминланганлигини ифодалайди	Айм/Ав
4. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	1 та ходимга тўғри келадиган Айм. суммаси, яъни ходимларнинг Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади.	Айм/Х

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисоботдан, баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимидан олинади.

Айм. сифими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм.

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
2. Махсулот хажми	7590231	8179839	8668812
Айм. сифими	100,9	105,1	106,7

Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминланиши

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
2. Айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси (меъёр 1сўм харажат учун 25 тийин)	$0.25*6566719=1641680$	$0.25*6608182=1652045$	$0.25*7354868=1838717$
Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминланиши, %	4,66	5,20	5,03

1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
2. Асосий фондларнинг қиймати	4214123	4894258	5159258
1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар	1,82	1,76	1,79

Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	7658123	8597898	9249325
2. Ходимлар сони	167	185	198
Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	45857	46475,1	46713,76

Юқорида ҳисобланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун жадвал тузамиз.

«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм., сўм	100,9	105,1	106,7	+5.8
2. Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши, %	4,66	5,20	5,03	+0.37
3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм., сўм	1,82	1,76	1,79	-0.03
4. Битта ходимга (X) тўғри келадиган Айм., минг сўм	45857	46475,1	46713,7	+856.7

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 21-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар 2015-2016 йилларда кескин ўзгарган. Масалан 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган айланма маблағлар 2014 йилда 100.9 тийин бўлса, 2016 йил охирида 106.7 тийинга тенг бўлмоқда, яъни 5.8 тийинга ортган, Айм. меъерининг ҳақиқий миқдори билан таъминланиши даражаси юқори бўлган, у ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб 2016 йилга келиб 0.37% бандга ортган. 1 сўм асосий воситаларга тўғри келувчи айланма маблағлар қиймати таҳлил даври охирида 1.79 сўмга тушиб ҳолиши ижобий ҳол эмас. Битта ходимга тўғри келадиган

Айм.нинг миқдори ўсиб бориб, 2016 йилда 46713.7 минг сўмга тўғри келган, бу албатта ижобий ҳол.

2-боб бўйича хулосалар

Ҳар бир корхонада иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини, у билан таъминланганликни ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир корхонанинг бойлиги жамият бойлигининг бир қисми сифатида унга ҳеч кимнинг бефарқ бўлишига ҳаққи йўқ. Шу туфайли, мулк шаклидан қатъи назар, корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили иқтисодий таҳлилнинг асосий қисмини ташкил қилмоғи лозим.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади

Корхонанинг айланма маблағларини ўрганиб ва таҳлил қилиб, уларнинг кўрсаткичларини, юқорида таъкидланганидек, учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу гуруҳлар:

- айланма маблағларнинг аҳволини;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини.

Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади.

III боб. Саноат корхонаси иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари

3.1. Корхонада иқтисодий салоҳияти самадорлигини оширишнинг ички резервларидан кенг фойдаланиш

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самадорлигини аниқлашда, самарадорликнинг мумтоз тарифидан келиб чиққан ҳолда, натижавий кўрсаткичларни иқтисодий салоҳиятининг ўртача йиллик қийматиغا нисбати олинади. Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг натижавий кўрсаткичлари бирқанча кўрсаткичлар тизимидан иборатдир. Уларга иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар (саноатда – ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми, қурилишда – бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми, транспортда – ташилган юк ҳажми тонна км.да, савдода – товар айланмасининг (оборотининг) ҳажми ва ҳ.к.), даромадлар, фойда каби кўрсаткичлар киради.

Иш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларга корхонанинг ялпи ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот каби иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлари киради. Даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга даромаднинг турли хиллари (ялпи даромад, солиқ солинадиган даромад, асосий фаолият даромади, тасодифий даромад кабилар) киради. Улардан қайси кўрсаткични танлаб олиш бевосита таҳлилнинг мақсади ва вазибаларига боғлиқ.

Фойда хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки унинг ҳам турлари кўп. Масалан, булар таркибига ялпи фойда, маржинал фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда, молиявий фаолият фойдаси, умумҳужалик фойдаси, тасодифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида, таъкидланганидек, қуйидагилар киради:

- иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (Иса);
- иқтисодий салоҳиятнинг даромадлилиги (Исд);
- иқтисодий салоҳиятнинг фойдалилиги (рентабеллиги) (Иср).

Ушбу кўрстаклар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Шу туфайли таҳлил жараёнида уларни бир-бири билан боғлиқ равишда биргаликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса қуйидаги жадвал орқали таҳлил қиламиз (22-жадвал).

22-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳолати, (минг сўм)

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й	2016 й	Фарқи (к,-)	Ўзгар иш суръати, %
1. Фойда	170560	25531	236350	65790	138,6
2. Даромад	1023512	1571657	1313944	290432	128,4
3. Сотилган маҳсулот хажми	7590231	8179839	8668812	1078581	114,2
4. Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати	12904306	14908516	16107423	3203117	124,8
5. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги (Иср), % (1қ:4қ)х100	1,32	0,17	1,47	0,14561	111,0
6. Иқтисодий салоҳият даромадлилиги (Исд), сўм (2қ:4қ)	7,93	10,54	8,16	0,22583	102,8
7. Иқтисодий салоҳият натижавийлиги (Исқ), сўм (3қ:4қ)	58,82	54,87	53,82	-5,0006	91,5

Манба: Корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи ҳисоботлардан олинди.

Ушбу 22-жадвалдан кўришиб турибдики, корхона иқтисодий салоҳияти даромадлилиги 2016 йили ўтган йилларга нисбатан ортган бўлиб 2014 йилга нисбатан 102.8% га ортган. Унинг рентабеллиги ўтган йилларга нисбатан ортган, 2015 йили 1.32%ни ташкил қилган бўлса, 2016 йили 1.47% ни ташкил этган. Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги камайиб боради ва таҳлил

даврининг охирида 91.5% гача тушиб қолади. Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўзгариш бир маъромда бўлмаган, харажатларни камайтириш орқали рентабелликни ошириш имкониятларини қидириш лозим. Бу ҳолатга таъсир этувчи омиллар бўлган фойданинг даромаддаги хиссасини, даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссасини ошириш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлари мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича¹⁶.

Омилларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими ҳамда капитал маблағ талабликни камайтириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексидан иборат. Бу йўналишлар ғоят хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуйидагилар киради:

-ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;

-фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;

¹⁶ А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Sano-standart, 2014й., 304 бет.

-ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ихтисослаштириш, кооперациялаш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

-бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

-инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.

Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги миқдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилининг роли беқиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг қудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб атайдилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий

ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилининг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

3.2. Корхонада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш йўналишлари

Меҳнат салоҳияти- бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади.

Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунга қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Меҳнат салоҳияти самаарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичларни ҳам ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. чунки шу кўрсаткичлар орқали меҳнат

салоҳияти қандай аҳволда эканлигини билиш ирга уларнинг ўзгариш динамикасини, обороти ва кўнимсизлиги каби муҳим кўрсаткичларни ҳам билиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида ходимларнинг обороти ва кўнимсизликлари ҳаммуҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишсизликнинг олдини олиш, самарадорликни ошириш, ходимлар тажрибасини ошишини таъминлаш каби муҳим жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйдагиларни киритиш мумкин:

1. Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони.
2. меҳнат салоҳиятининг таркиби.
3. меҳнат салоҳиятининг обороти.
4. меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги.
5. меҳнат салоҳиятининг турғунлиги.

Ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаб, тегишли таҳлилий хулосалар чиқариш учун қуйидаги жадвални келтирамиз (23-жадвал).

23-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1	2	3	4	5
1. Меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик сони, киши	185	198	13	107,0
2. Шу жумладан, олий маълумотли мутахассилар, киши	35	38	3	108,6

<i>23-жадвал давоми</i>				
1	2	3	4	5
3. Уларнинг улуши, % (2к*100/1к)	18,9	19,2	0,3	101,4
4. Ишчилар сони, киши	150	160	10	106,7
5. Ишчиларнинг улуши,% (4к*100/1к)	81,1	80,8	-0,3	99,7
6. Ишга қабул қилинганлар, киши	14	25	11	178,6
7. Ишдан бўшатишганлар, киши	9	12	3	133,3
8. шу жумладан, салбий асослар билан бўшатишганлар, киши	5	6	1	120,0
9. Мс. Обороти, коэффициенти [(6к+7к)/1к]	0,12	0,19	0,063	150,3
10. Мс. қўнимсизлиги, коэффициенти (8к/1к)	0,03	0,033	0,003	112,1
11. Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаган ходимлар сони, киши	125	130	5	104,0
12. Мс. Тунғунлиги, коэффициентида (11к/1к)	0,68	0,66	-0,02	97,2

Манба: Корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи ҳисоботлардан олинди.

Ушбу 23-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи ва у билан боғлиқ кўрсаткичлар кўрсаткичлар жуда нотекис ўзгаришга учраган. Масалан меҳнат салоҳиятининг ўртача йиллик сони 7%га ортган, шу жумладан ишчилар сони ҳам ортган. Олий маълумотли мутахассилар сони ва улуши ортган. Бу эса ходимлар малака даражасини ортганлигини билдиради.

Ходимлар обороти ва қўнимсизлигининг камайишининг оқибатида меҳнат салоҳияти турғунлиги ортган.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида улар билан таъминланганликни характерловчи кўрсаткичларнинг алоҳида ўрни бор,

чунки меҳнат салоҳияти билан етарли даражада таъминланмаса, ҳар қандай жараён ҳам меъёрдагидек содир бўлмаслиги мумкин.

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодалаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлиги.
2. меҳнат салоҳияти сиғими.
3. меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги.
4. айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги.

Ушбу кўрсаткичларни корхонанинг аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда таҳлил қилиш усулларини кўриб чиқамиз (24-жадвал).

24-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	Фарқи (+,-)	Ўзгар иш суръати, %
1. Меҳнат салоҳияти сони штат жадвали бўйича, тегишли йил бошида, киши	186	199	13	107,0
2. Ҳақиқий меҳнат салоҳияти сони, тегишли йил бошида, киши	180	193	13	107,2
3. Мс. Билан штат жадвалининг таъминланганлик даражаси, % (2қ:1қ*100)	96,8	97,0	0,2	100,2
4. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	8179839	8668812	488973	106,0
5. Мс. ўртача йиллик миқдори, киши	185	198	13	107,0

<i>24-жадвал давоми</i>				
1	2	3	4	5
6. Меҳнат сиғими, бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келадиган ходимлар сони, киши (5қ:4қ)	0,023	0,023	0,0	100,0
7. Асосий воситалар фаол қисмининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3815240	4156520	341280	108,9
8. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8597898	9249325	651427	107,6
9. Мс.нинг қуролланганлиги, минг сўм (7қ:5қ)	20623	20993	369,6	101,8
10. Айм.нинг Мс. билан таъминланганлиги, бир миллион сўм Айм.га тўғри келадиган Мс., киши (5қ/8қ)	0,022	0,021	0,01	99,5

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 24-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, штат жадвали билан таъминланганлик даражаси 0.2% пунктга ортган, меҳнат сиғими эса ўзгармаган, бу оз бўлсада ижобий силжиш. Янги асосий воситалар киритилганлиги ҳисобига меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги кескин ортган, бу жуда ижобий ҳолат, лекин айланма маблағлар билан таъминланганлиги эса сезиоарли ўзгармаган.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлилқилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
3. Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўлларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги (Мс.н) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

Агар натижани «Q» деб белгиласак, унинг меҳнат салоҳиятига (Мс) нисбати, яъни меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги қуйидагича аниқланади:

$$\mathbf{Мс.н=Q/Мс.}$$

Ушбу кўрсаткич 1 сўм меҳнат салоҳиятига қанча сўм миқдорида натижа (маҳсулот, товар обороти, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги (Мс.р) ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига тўғри келадиган фойда (Ф) миқдорини ифодалайди. Уни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (Мс) нисбати олинади:

$$\mathbf{Мс.р=Ф/Мс.}$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги (Мс.д) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдори (Мс) бўлинади:

$$\mathbf{Мс.д=Д/Мс.}$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса самарадорлик шунча юқори деган хулосага келиш мумкин. Чнуки ҳар бир меҳнат салоҳиятига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

Амалий маълумотларни қўллаб меҳнат салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (25-жадвал).

25-жадвал.

«Marhamat tekstil» МЧЖ меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016й.	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	8179839	8668812	488973	106,0
2. Ялпи даромад, минг сўм	1571657	1313944	-257713	83,6
3. Соф фойда, минг сўм	25531	236350	210819	925,7
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши	185	198	13	107,0
5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ:4қ)	44215	43782	-433	99,0
6. Мс. Даромадлиги, минг сўм(2қ:4қ)	8495	6636	-1859	78,1
7. Мс. Фойдалилиги, минг сўм (3қ:4қ)	138	1194	1056	865,0

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 25-жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулот ҳажми ортгани, ялпи даромад камайиб ва фойда миқдори кескин ортиши натижасида, меҳнат унумдорлиги 1 %га камайган, даромадлиги 78.1%га тушган ва фойдалилиги 865% га ортган. Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичлари юқорида даражада эмас.

3.3. Корхонанинг асосий воситалари ва айланма маблағлари самарадорлигини ошириш имкониятлари

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан канчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлиги, Ав рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффиценти киради.

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$Раф = СФ * 100 / Ав_{\text{ўр}},$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

2014 йил $170560 * 100 / 4214123 = 4,04 \%$

2015 йил $25531 * 100 / 4894258 = 0,52 \%$

2016 йил $236350 * 100 / 5159258 = 4,58 \%$

3. Асосий воситалар даромадлиги

$$Ав.д = Д * 100 / Ав$$

2014 йил $1023512 * 100 / 4214123 = 24,28\%$

2015 йил $1571657 * 100 / 4894258 = 32,11 \%$

2016 йил $1313944 * 100 / 5159258 = 25,46 \%$

3. Асосий воситалар натижавийлиги (фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$АВМ=М/АВ_{\text{ўр}},$$

бунда: $Авм$ – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

$М$ – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

$Ав_{\text{ўр}}$ – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун $Ав$. маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун куйидаги формула тавсия этилади:

$$АВМ=С/АВ_{\text{ўр}},$$

бунда: $С$ – сотилган маҳсулот ҳажми.

2014 йил $7590231/4214123=1,8$

2015 йил $8179839/4894258=1,67$

2016 йил $8668812/5159258= 1,68$

26-жадвал.

**«Marhamat tekstil» МЧЖ асосий воситалар самарадорлигини
ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили**

Кўрсаткичлар нинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %	4,04	0,52	4,58	0,54
Ав. Даромад- лилиги, %	24,28	32,11	25,46	1,18
Ав. Натижа- вийлиги(фонд кайтими)	1,8	1,67	1,68	-0,1

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

26-Жадвал маълумотларидан кўринадикки, асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммаси (рентабеллиги) 2014 йилда 4.04% бўлиб, кейинги йилда эса 4 баробар даражада кескин камайган ва 2016да яна ортган. Буни ижобий баҳолаш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган даромад суммасида эса юқори суръатлардаги ўсишни кузатиш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фод қайтими) суммасининг ўзгариши салбий бўлиб, охириги икки йилда бир маъромда ушлаб турилмаган.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига турли омиллар таъсир қилади. Уларга:

- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;
- асосий воситалар ўртача йиллик суммаси;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатининг самарадорлиги;
- асосий асосийларнинг таркибий тузилиши;
- асосий воситалар алоҳида турларидан фойдаланиш самарадорлиги кабилар киради.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади. Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади.

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги айланма маблағлар ўртача йиллик суммасининг бир кунлик сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Айма} = \text{Аймўс} * \text{К} / \text{С},$$

бунда: Айма – айланма маблағлар айланувчанлиги;

Аймўс – айланма маблағлар ўртача йиллик суммаси;

С – маҳсулот сотиш суммаси;

К – даврдаги кунлар сони (одатда, бир йилди 360, ярим йилда 180, 1 чоракда 90, 1 ойда 30 кун).

$$2014\text{й. } 7658123 * 360 / 7590231 = 363 \text{ кун}$$

$$2015\text{й. } 8597898 * 360 / 8179839 = 378 \text{ кун}$$

$$2016\text{й. } 9249325 * 360 / 8668812 = 384 \text{ кун}$$

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффиценти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ак} = \text{С} / \text{Аймўс} \quad \text{ёки} \quad \text{Ак} = 360 / \text{Айма}.$$

$$2014\text{й. } \text{Ак} = 360 / 363 = 0,99$$

$$2015\text{й. } \text{Ак} = 360 / 378 = 0,95$$

$$2016\text{й. } \text{Ак} = 360 / 384 = 0,93$$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Аймр} = \text{СФ} * 100 / \text{Аймўс},$$

бунда: Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

$$2014 \text{ йил } 170560 * 100 / 7658123 = 2,22 \text{ \%}$$

$$2015 \text{ йил } 25531 * 100 / 8597898 = 0,29 \text{ \%}$$

$$2016 \text{ йил } 236350 * 100 / 9249325 = 2,55 \text{ \%}$$

4. Айланма маблағлар даромадлиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = \text{Д} \times 100 / \text{Айм.}$$

2014 йил $1023512 * 100 / 7658123 = 13,36 \%$

2015 йил $1571657 * 100 / 8597898 = 18,27 \%$

2016 йил $1313944 * 100 / 9249325 = 14,20 \%$

5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)

2014й. $5123445 * 360 / 7590231 = 243$ кун

2015й. $4969673 * 360 / 8179839 = 218$ кун

2016й $3403078 * 360 / 8668812 = 141$ кун

27-жадвал.

**«Marhamat tekstil» МЧЖда айланма маблағлар (Айм)
самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	363	378	384	21
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	0,99	0,95	0,93	-0,06
3. Айм.нинг рентабеллиги	2,22	0,29	2,55	0,33
4. Айм.нинг даромадлиги	13,36	18,27	14,20	0,84
5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	243	218	141	-102

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 27-жадвалдаги Айм.нинг самарадорлик кўрсаткичларидан айланма маблағларнинг рентабеллиги ва айланувчанлик коэффиценти кўрсаткичлари ижобий ўзгаришга эга эмас. Айланма маблағларнинг айланувчанлигининг ортганлиги сотиш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлигидан, даромадлиликнинг ортиши эса ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланилаётганидан далолат беради. Дебиторларнинг айланувчанлигининг камайишини ижобий баҳолаш мумкин.

3-боб бўйича хулосалар

Корхона иқтисодий салоҳияти (потенциали) самардорлигини аниқлашда, самарадорликнинг мумтоз тарифидан келиб чиққан ҳолда, натижавий кўрсаткичларни иқтисодий салоҳиятининг ўртача йиллик қийматиغا нисбати олинади.

Меҳнат салоҳияти- бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади.

Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади.

Хулоса ва таклифлар

МЧЖ «Мархаматтекс» Ўзбекистон Британия қўшма корхонаси Корхона иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби маълумотларидан кўришиб турибдики корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинаётган даврда 125% га ортган бу асосан асосий воситалар, айланма маблағлар ва меҳнат салоҳияти қийматининг ошгани ҳисобига содир бўлган. Номоддий активларнинг мавжуд эмаслиги корхонада фан техника тараққиётига эътибор зарурлигини кўрсатади. Иқтисодий салоҳиятдаги асосий воситалар улуши 0.7% бандга камайиб, меҳнат салоҳиятининг улуши эса 2.5% бандга ортган, айланма маблағлар улуши эса - 1.9 бандга камайган. Мазкур корхона келажакда иқтисодий салоҳият таркибида жонли меҳнатнинг ҳиссасини камайтириб, айланма маблағлар улушини ошиб боришини таъминлаши лозим.

Корхона иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби (9-жадвал) маълумотларидан кўришиб турибдики, корхона активлари дастлабки йилга нисбатан 107 % га ортган ҳолда, меҳнат салоҳияти 164 % га, иқтисодий салоҳият эса 124 % га ошган. Хулоса қилиш мумкинки иқтисодий салоҳият билан таъминланишида меҳнат салоҳиятининг улуши энг катта бўлиб, бу аксинча нисбатан паст бўлиши ва активлар улуши юқори бўлиши лозим. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятида активларнинг улуши юқори бўлиши лозим, лекин у 92.19% ва 79.25% ни ташкил қилмоқда ва камайиш тенденциясига эга бўлмоқда – 12.9%.

Корхонада меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланиши ҳақида бирдан катта бўлиши лозим ва 2014 йили 12.5 сўм 2015 йили 1.53 сўм, 2016 йили 9.48 миқдорда таъминланмоқда, бу эса ижобий ҳолат.

Корхона иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳолати (24-жадвал) маълумотларидан кўришиб турибдики, корхона иқтисодий салоҳияти даромадлилиги 2016 йили ўтган йилларга нисбатан ортган бўлиб 2014 йилга нисбатан 102.8% га ортган. Унинг рентабеллиги ўтган йилларга нисбатан ортган, 2015 йили 1.32%ни ташкил

килган бўлса, 2016 йили 1.47% ни ташкил этган. Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги камайиб боради ва таҳлил даврининг охирида 91.5% гача тушиб қолади. Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўзгариш бир маъромда бўлмаган, харажатларни камайтириш орқали рентабелликни ошириш имкониятларини қидириш лозим. Бу ҳолатга таъсир этувчи омиллар бўлган фойданинг даромаддаги хиссасини, даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссасини ошириш лозим.

Корхонада иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни бериш мумкин.

Иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўзгариш бир маъромда бўлмаган, харажатларни камайтириш орқали рентабелликни ошириш имкониятларини қидириш лозим. Бу ҳолатга таъсир этувчи омиллар бўлган фойданинг даромаддаги хиссасини, даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссасини ошириш лозим.

Корхона келажакда иқтисодий салоҳият таркибида жонли меҳнатнинг хиссасини камайтириб, асосий воситалар улушини ошиб боришини таъминлаши лозим.

Корхонада фан - техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш, ноъмоддий активларни кўпайтириш имкониятларини қидириш лозим

Корхона асосий воситаларини янгилаш чораларини кўриши лозим.

Корхонада Айм. таркибида дебиторлар ҳиссаси охириги уч йилда катта ҳажмда булган. Унинг улуши 2015йили 63%гача ошиб, охириги йили 58%гача камайган. Лекин бу ҳолат корхонани истеъмолчиларга боғланиб қолганлигини кўрсатиб турибди, дебиторларни камайтириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг қуйидаги йўналишларини корхона учун тавсия сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Ташкилий йўналишлар бўйича: асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисми-нигина олиш; асосий воситаларнинг ортикча қисмини ушлаб турмаслик; эскирган ва маънавий талабга жавоб бермайдиган асосий во-ситаларни ҳисобдан чиқариш; асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгарти-риш; асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг мувофиқ шакллари белгилаш ва ҳ.к.

Техник йўналишлар бўйича: асосий воситаларни таъмирлаш чораларини кўриш, техник қаров; эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш; автоматлаштирилган тизимни яратиш; механизациялашни кучайтириш ва ҳ.к.

Эксплуатацион йўналишлар бўйича: бир сменалик ва кўп сменалик; ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш; асосий воситалар қарови юзасидан масъул шахсларни ажратиш; асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва ҳ.к.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдида кўйилган вазифаларни бажариш кўйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узок муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

Фойданилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 апрель // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 20.04.2017 йилдаги ПФ-5022-сон Фармони,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 31.03.2017 йилдаги ПФ-4996-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни

жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада содаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони

10. “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 18.02.2016 йилдаги ПҚ-2492-сон.

11. “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 07.04.2016 йилдаги ПҚ-2515-сон

12. “Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира»ни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 08.04.2016 йилдаги ПҚ-2517-сон

13. “2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 16.09.2016 йилдаги ПҚ-2595-сон.

14. “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 19.09.2016 йилдаги ПҚ-2603-сон.

15. “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 28.09.2016 йилдаги ПҚ-2615-сон.

16. “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 25.10.2016 йилдаги ПҚ-2641-сон.

17. “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 21.12.2016 йилдаги ПҚ-2687-сон

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони «Ургут», «Ғиждувон Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

19. Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

IV. Асосий адабиётлар

21. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

22. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

23. Mahmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 б.

24. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2015, – 208 б.

25. А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Sano-standart, 2014й., 304 бет.

V. Қўшимча адабиётлар

26. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.

27. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

28. Просветов Г.И. Экономика предприятия: задачи и решения. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2009. – 560 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар

29. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2014-2016 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

30. Ўзбекистон Республикасининг 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. WWW/ stat.uz.

VII. Интернет сайтлари

31. www.mineconomy.uz (O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi)

32. www.mehnat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi)

33. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)

34. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi)

35. www.ima.uz (O‘zbekiston Respublikasi Intellectual mulk agentligi)

36. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)